

Муддатли депозит шартномаси _____/2026-сон Андижон ш. «__» _____ 2026 йил	Договор о срочном депозите № ____/2026 г. Андижан «__» _____ 2026 г.
Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда «Банк» деб номланади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи Бошқарув Раиси _____, ва «_____» (кейинги ўринларда «Депозитор» деб номланади) номидан _____ йилдаги _____ асосида фаолият юритувчи _____, иккинчи томондан, биргаликда эса «Томонлар» деб юритилувчилар ушбу Муддатли депозит шартномасини (кейинги ўринларда «Шартнома» деб юритилади) куйидагилар тўғрисида туздилар:	Акционерно коммерческий банк «Hamkorbank» с участием иностранного капитала (именуемый в дальнейшем «Банк»), в лице Председателя Правления _____, действующего на основании Устава, с одной стороны и _____, (именуемое в дальнейшем «Депозитор»), в лице _____, действующего на основании _____ от _____ года, с другой стороны, совместно именуемые «Стороны», заключили настоящий Договор о срочном депозите (именуемый в дальнейшем «Договор») нижеследующем:
1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ 1.1. Депозитор Банкга _____ (йигирма миллиард) сўм микдоридаги пул маблағларини куйидаги кўрсатилган шартлар асосида Банкдаги тегишли депозит ҳисобварағига топширади: А. Депозит номи: _____; В. Депозит тури: Муддатли (қўшимча маблағ қирим қилиш имконияти мавжуд эмас); С. Депозит валютаси: Сўм; Д. Депозитнинг амал қилиш муддати: депозитга пул маблағ келиб тушгандан _____ йилгача Е. Депозитнинг йиллик фоиз ставкаси: йиллик _____(_____). Ғ. Фоизларни тўлаш: ҳар ойда; Г. Депозитни тўлдириш имконияти: йўқ; Н. Муддатидан олдин пул маблағларини қисман қайтариш имконияти: йўқ; И. Ҳисобварақдан қисман маблағ чиқим қилиш имконияти: йўқ; Ж. Минимал депозит жалб этиладиган сумма: 500 000 000 (беш юз миллион) сўм; К. Депозит муддатидан олдин миқдор талаби билан қайтарилганда: депозит муддатидан	1. ПРЕДМЕТ ДОГОВОРА 1.1. Вкладчик перечисляет Банку денежные средства в размере _____ (_____) сумов на соответствующий депозитный счет в Банке на условиях, изложенных ниже: А. Название вклада: _____; В. Вид вклада: Срочный (дополнительное внесение средств невозможно); С. Валюта вклада: сум; Д. Срок действия вклада: С даты поступления суммы депозита в Банк до _____ года; Е. Годовая процентная ставка по вкладу: _____% (_____) годовых; Ғ. Выплата процентов: каждый месяц; Г. Возможность пополнения вклада: нет; Н. Возможность частичного снятия средств до наступления срока: нет; И. Возможность частичного снятия средств со счета: нет. Ж. Минимальная сумма вклада: 500 000 000 (пятьсот миллионов) сум; К. При досрочном возврате вклада по желанию клиента: при досрочном изъятии вклада все начисленные и выплаченные проценты пересчитываются и вычитаются из основной

олдин чиқим қилинса, барча ҳисобланган ва тўланган фоизлар қайта ҳисоб китоб қилиниб асосий депозит суммасидан ушлаб қолинади. Фойдаланилган даврига фоизлар тўлаб берилиши 2.2.6 бандига асосан амалга оширилади; Л. Депозит муддатидан олдин Банк ташаббуси билан қайтарилганда: йиллик _____% (_____). 1.2. Депозит бўйича фоиз тўловлари ойма-ой ва депозитни қайтариш кунда амалга оширилади.	суммы вклада. Проценты выплачиваются за период пользования в соответствии с п. 2.2.6; Л. При досрочном возврате вклада по инициативе Банка: _____% (_____) годовых. 1.2. Выплата процентов по вкладу производится ежемесячно и в день возврата вклада.
2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ 2.1. Депозиторнинг мажбуриятлари: 2.1.1. Шартномани 1.1. бандига кўрсатилган депозит маблағини 5 (Беш) банк иш кунда Банк томонидан очилган № 206_____, МФО 00083 муддатли депозит ҳисоб рақамига мазкур Шартномада кўзда тутилган шартларда муддатли депозит сифатида жойлаштириш учун ўтказиб беради. 2.1.2. Депозит муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтариб беришни талаб қилишдан олдин, Банкни депозит қайтариладиган санадан камида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради. 2.1.3. Депозит ҳисоб рақамини очиш учун сўралган барча керакли ҳужжатларни Банкга тақдим этади. 2.1.4. Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг сўровига асосан лозим даражада текшириш ва операцияга доир тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш. 2.2. Банкнинг мажбуриятлари: 2.2.1. Депозитор номига муддатли депозит ҳисобварағини очади. 2.2.2. Депозитор томонидан жойлаштирилган депозитни бутлигини таъминлайди.	2. ОБЯЗАТЕЛЬСТВА СТОРОН 2.1. Депозитор обязуется: 2.1.1. В течение 5 (Пяти) банковских дней со дня подписания Сторонами настоящего Договора перечислить сумму депозита, указанную в п.1.1., на открытый Банком срочный депозитный счет № 206_____, МФО 00083 для размещения их в качестве срочного Депозита на условиях, предусмотренных настоящим договором. 2.1.2. При досрочном востребовании полной суммы или частичной суммы Депозита, письменно предупреждать Банк не менее чем за один месяц до даты фактического возврата. 2.1.3. Предоставить Банку все необходимые документы, запрошенные на открытие депозитного счёта. 2.1.4. На основании запроса Банка Предоставить необходимые документы, связанные с проводимой операцией, в случаях, предусмотренных нормативными актами Республики Узбекистан в области противодействия отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения. 2.2. Банк обязуется: 2.2.1. Открыть депозитный счёт на имя Депозитора. 2.2.2. Обеспечить сохранность Депозита и выплату процентов по нему в полном соответствии с условиями настоящего Договора.
2.2.3. Депозитдан фойдаланганлик учун тўланадиган фоизларни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 764-	2.2.3. Уплачивать Депозитору проценты установленного настоящим Договором исходя из срока фактического использования Депозита,

моддаси ва «Тижорат банкларда фоиз ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги (А.В. 3460-сон 29.09.2023 й.) Низомга асосан амалга оширади. 2.2.4. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида Депозиторга Депозит бўйича фоизларни ҳар ойда, ойнинг охириг кунини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб боради ва жорий ой учун ҳисобланган фоизларни ушбу ойнинг охириг иш кунида ва охириг фоиз тўлови депозитни қайтариш санасида тўлаб беради. Агар фоизларни тўлаш куни дам олиш кунига тўғри келса, тўлов санасидан энг олдинги банк иш кунида тўлаб берилади. 2.2.5. Мазкур Шартноманинг 1.1-бандида келтирилган муддат тугагач депозит суммаси ва ҳисобланган фоизларини Депозиторнинг ҳисобварағига ўтказида. Агар депозит суммаси тўловини ўтказиш куни дам олиш кунларига тўғри келса кейинги банк иш кунидан кечиктирмаган ҳолда (фоизлар ушбу дам олиш кунлари учун ҳисобланиб депозит суммаси билан бирга) ўтказиб беради. 2.2.6. Депозит маблағини Депозитор талаби билан муддатидан олдин қайтариш қуйидагича этиб белгиланади. Агар Банкка депозит суммаси келиб тушган санадан 30 кун ичида қайтарилса – фоизлар тўланмайди; Банкка депозит суммаси келиб тушган санадан 31-кундан кейинги қайтариш ҳолатида қуйидаги фоиз ставкалари амал қилади: 31–90 кун – йиллик _____% (_____); 91–180 кун – йиллик _____% (_____); 181–365 кун – йиллик _____% (_____); 366-кундан купрок – йиллик _____% (_____). Депозит суммаси Банк ҳисобварағига келиб тушган кундан бошлаб 366-календар кунидан шартноманинг 1.1-бандининг D кичик бандида кўрсатилган санагача бўлган муддат ичида Депозитор томонидан қайтариб бериш сўрови берилганда, фоизлар Банк томонидан қайта ҳисобланмайди ва Шартноманинг 1.1-бандининг E кичик бандига асосан тўланади. Депозиторни 2.1.2 бандида кўрсатилган шартларга мувофиқ берилган ёзма хатга асосан Банк ушбу хат санасидан бир ой муддатдан чиқиб кетмаган ҳолда депозитни қайтариб беради. 2.2.7. Банк томонидан Депозиторнинг Депозит бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк	согласно 764-статьи Гражданского Кодекса Республики Узбекистан и Положению о начислении процентов в коммерческих банках (МЮ-№3460, 29.09.2023 г.). 2.2.4. В период действия настоящего Договора начислять Депозитору проценты по Депозиту ежемесячно, на последнюю дату месяца включительно, и выплачивать их в последний день данного месяца и в дату возврата суммы депозита. Если дата платежа приходится на нерабочий день, то проценты выплачиваются самый ближайший банковский день данного месяца. 2.2.5. В последний день, установленный в пункте 1.1, настоящего Договора, произвести возврат суммы Депозита и начисленных процентов на расчетный счет Депозитора. Если дата возврата суммы основного депозита приходится на нерабочий день, то возврат должен быть произведен на следующий банковский день (с доначислением процентов за нерабочие дни с выплатой вместе с суммой депозита). 2.2.6. Досрочный возврат суммы вклада по требованию Депозитора определяется следующим образом. При возврате с момента поступления суммы депозита в Банк в течение 30 дней - проценты не выплачиваются; При возврате с момента поступления суммы депозита в Банк после 31-дня применяются следующие процентные ставки: 31-90 дней - _____% (_____) годовых; 91-180 дней - _____% (_____) годовых; 181-365 дней - _____% (_____) годовых. 366-болле дней - _____% (_____) годовых. Если запрос на возврат депозита поступит от Депозитора с момента зачисления суммы депозита на банковский счёт в период с 366-го календарного дня и до даты, указанной в подпункте D пункта 1.1 Договора, проценты Банком не перерасчитываются и выплачиваются на основании, подпункта E пункта 1.1 Договора. Возврат вклада осуществляется Банком по письменному заявлению Депозитора в течение одного месяца с даты данного письма в соответствии с условиями, указанными в п. 2.1.2. 2.2.7. При приостановлении Банком операций по вкладу Вкладчика банк направляет Вкладчику письменное уведомление (справку) о
---	---

амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Депозиторга унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома (маълумотнома) юборади. 2.2.8. Агар Банк депозитни муддати тугагунга қадар қайтариш ниятида бўлса, у Депозиторнинг ёзма розилигини олиши ва депозитни қайтариш санасини олдиндан келишиб олиши шарт.	приостановлении обслуживания его счета и причинах этого не позднее следующего рабочего дня со дня приостановления операций. 2.2.8. Если Банк намерен вернуть депозит до истечения срока, он обязан получить письменное согласие Депозитора и предварительно согласовать дату возврата депозита.
3. Депозит маблағларини кафолатлаш 3.1. «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ягона миқдор учун кафолатланган миқдор 200 000 000,00 сўмдан ошмайди. 3.2. Депозитларни кафолатлашга оид нормалари «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб белгиланади.	3. Гарантирования депозита 3.1. Согласно Закону «О гарантиях защиты вкладов в банках» Гарантируемая сумма на одного уникального клиента составляет не более 200 000 000,00 сум. 3.2. Нормативы гарантирования вкладов определяются исходя из требований Закона Республики Узбекистан «О гарантиях защиты вкладов в банках».
4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ 4.1. Депозитор қўйидаги ҳуқуқларга эга: 4.1.1. Депозитор депозитни тўлиқ ёки қисман шартномада кўрсатилган муддатга қадар муддатидан олдин қайтариб олиш. Бунда Банк Депозиторга Депозитни амалда жойлаштирилган муддат учун фоизларни мазкур Шартноманинг 2.2.6. бандида келтирилган шартларга асосан тўлаб беради. 4.1.2. Банкнинг ташаббуси билан депозит тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин қайтарилган тақдирда муддатидан аввал қайтарилган суммага йиллик ____% (_____) миқдорида депозитдан ҳақиқатдан фойдаланилган кунлар учун фоизларни олиш; 4.1.3. Банк томонидан Депозиторнинг депозит ҳисобварағи бўйича амалиёт тўхтатилганида ва Депозиторнинг топшириғисиз ҳисобидан маблағ чиқарилганида хабарнома олиш; 4.1.4. Банк томонидан депозит бўйича тўланган фоизлар ортиқча эканлиги аниқланган тақдирда, ортиқча тўланган фоизлар суммасини Банкка қайтариш.	4. ПРАВА СТОРОН 4.1. Депозитор имеет право: 4.1.1. Досрочно до указанного периода в Договоре востребовать полностью или часть размещенного Депозита. В этом случае, Банк выплачивает Депозитору проценты за фактический период размещения Депозита по ставке указанной в п. 2.2.6. настоящего договора; 4.1.2. При досрочном погашении депозита по инициативе Банка, Депозитор имеет право получить процентные доходы по ставке ____% (_____) годовых исходя из срока фактического использования Депозита; 4.1.3. При приостановке Банком операций по депозитному счету, а так же перечислении средств со счёта без поручения Депозитора, получать письменно уведомление; 4.1.4. В случае выявления излишней выплаты Банком процентов по Депозиту, возратить Банку сумму излишне выплаченных процентов.
4.2. Банк қўйидаги ҳуқуқларга эга: 4.2.1. Мазкур шартномани шартларини ўзгаритириш бўйича таклиф билан Депозиторга мурожаат қилиш. Мазкур шартнома шартларига	4.2. Банк имеет право: 4.2.1. Обратится к Депозитору с предложением об изменении условий Настоящего договора. Изменение условий по настоящему договору

киритилган ўзгартиришлар Депозиторнинг розилиги ва шартномага қўшимча қилинув бўлган тақдирда амалга оширилади. 4.2.2. Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида депозитордан лозим даражада текшириш ва операцияга доир тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олиш. 4.2.3. Мазкур шартноманинг 4.2.2-бандида назарда тутилган ҳолларда мижоз томонидан Банкка зарур бўлган маълумотларни/ҳужжатларни тақдим этмаслик, бажармаслик, бўйин товлаш каби ҳолатлар юз берганда банк молиявий операцияларни амалга оширишни рад этишга, воз кечишга ва бекор қилишга ҳақлидир.	производится при наличии согласия Депозитора и дополнительного соглашения к договору. 4.2.2. Осуществлять надлежащую проверку клиента, истребовать необходимые документы, связанные с проводимой операцией, приостанавливать/прекращать операции, отказать в совершении операции, проверять клиента, в случаях указанных в нормативно-правовых актах Республики Узбекистан, связанных с противодействием отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения. 4.2.3. В случаях уклонения от предъявления и не предоставления документов/сведений, запрошенных Банком на основании пункта 4.2.2. настоящего договора, банк имеет право отказать в совершении операции приостанавливать/прекращать финансовые операции клиента.
5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ 5.1. Мазкур шартномада бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. 5.2. Мазкур шартномада белгиланган тўловларни ўз муддатида амалга оширилмаган тақдирда, тўловни кечиктирган томон тўловлар кечиктирилган ҳар бир кун учун асосий қарз суммасининг 0,04% миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 5% фоизидан ошмаслиги лозим. 5.3. Пеняларни тўлаш томонларни мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.	5. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН 5.1. В случае неисполнения или ненадлежащего исполнения своих обязательств по настоящему договору, Стороны несут ответственность в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан. 5.2. В случае просрочки проведения платежей по настоящему договору, сторона, допустившая просрочку, выплачивает пеню в размере 0,04% от суммы основного долга за каждый день просрочки, но не более 5 % от суммы, подлежащей оплате. 5.3. Независимо от уплаты пени Стороны не освобождаются от выполнения обязательств по настоящему Договору.
6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ 6.1. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва Банкдаги депозит ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади. 6.2. Томонларнинг икки томонлама розилигига асосан Шартномага қўшимча қилинув тузилиб, унда қилишилган шартлар асосида депозит муддати узайтирилиши мумкин. Бунда	6. СРОК ДЕЙСТВИЯ ДОГОВОРА, ПОРЯДОК ИЗМЕНЕНИЯ И РАСТОРЖЕНИЯ ДОГОВОРА 6.1. Договор вступает в силу после его подписания Сторонами и поступления средств на депозитный счет Банка и действует до полного исполнения Сторонами своих обязательств. 6.2. При обоюдном письменном согласии сторон, срок действия договора может быть продлен на условиях, оговоренных в дополнительном соглашении. При этом заинтересованная сторона

манфаатдор томон иккинчи томонга депозит амал қилиш муддати тугашидан камида 3 кун олдин таклиф билан мурожаат қилади. 6.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда ёзилиб, иккала томоннинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, муҳрлари билан тасдиқланган такдирдагина ҳақиқий ҳисобланилади. 6.4. Бир томон иккинчи томонни 30 (Ўттиз) банк иш кунидан кам бўлмаган муддатдан аввал огоҳлантирган ҳолда, унинг ёзма розилигига асосан Мазкур шартномани бекор қилиши мумкин. 6.5. Мазкур шартноманинг 4.2.2 бандида назарда тутилган ҳолларда депозитор томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги доираси Банкка зарур бўлган маълумотларни/ҳужжатларни тақдим этилмаганда, Банк Депозиторни мавжуд алоқа каналлари орқали огоҳлантирган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.	обращается с предложением к другой стороне не менее чем за 3 дня до окончания срока депозита. 6.3. Все изменения и дополнения к настоящему Договору действительны лишь в том случае, если они совершены в письменной форме с подписями уполномоченных лиц сторон, заверенных печатью. 6.4. Любой из сторон по письменному согласованию другой стороны может расторгнуть настоящий договор, предупредив его об этом не менее чем за 30 (Тридцать) банковских дней. 6.5 В случаях уклонения от предъявления и не предоставления документов/сведений, запрошенных Банком в рамках Законодательства Республики Узбекистан, на основании пункта 4.2.2. настоящего договора, банк вправе в одностороннем порядке расторгнуть договор, уведомив Депозитора по доступным каналам связи.
7. МАХФИЙЛИК 7.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида томонлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади. 7.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа томоннинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади. 7.3. Ушбу талабларни бузган томон бунинг оқибатида иккинчи томонга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.	7. КОНФИДЕНЦИАЛЬНОСТЬ 7.1. Все информации полученные сторонами друг от друга при составлении и исполнении настоящего Договора признаются конфиденциальными. 7.2. Стороны обязуются не разглашать конфиденциальную информацию являющуюся коммерческой тайной передаваемой в процессе заключения и исполнения обязательств по договору без письменного согласия владельца информации. Настоящее обязательство действует в течении срока действия договора и в течении 3 лет после окончания срока действия договора. 7.3. Сторона нарушившая эти обязательства полностью покрывает другой стороне все причиненные убытки вследствие этого нарушения.
8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ 8.1. Томонлар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганлиги яъни томонларнинг иродаси, хоҳиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари, ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар сабабли шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаган такдирда жавобгарликдан озод қилинадилар.	8. ФОРС-МАЖОРНЫЕ ОБСТОЯТЕЛЬСТВА 8.1. Стороны освобождаются от ответственности за частичное или полное неисполнение обязательств по договору в случае если это явилось следствием возникновения обстоятельств непреодолимой силы (форс-мажор), то есть природные события, социально-экономические ситуации не зависящих от воли, желания и деятельности сторон.

8.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари — бу томонларнинг иродаси, хоҳиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир. 8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда томонлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.	8.2. Обстоятельства непреодолимой силы (форс-мажор) – это чрезвычайные, непредотвратимые и неожиданные обстоятельства, ограничивающие Сторон от исполнения взятых на себя обязательств не зависящие от воли, желания и деятельности сторон природные события (землетрясения, наводнения, ураган, засуха и другие), социально-экономические ситуации (война, военные действия, ограничения импорта и экспорта в интересах государства и другие). 8.3. В случае возникновения форс-мажорных ситуации, Стороны освобождаются от исполнения обязательств по договору до устранения таких обстоятельств.
9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР 9.1. Томонлар шартномани тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар. 9.2. Томонлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар. 9.3. Ҳар бир томон шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қимматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Томонлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ҳамкорларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.	9. ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЕ АНТИКОРРУПЦИОННЫЕ УСЛОВИЯ 9.1. Стороны соглашаются не совершать коррупционных действий, связанных с настоящим договором, при его заключении, в период его действия, а также после истечения срока его действия. 9.2. Стороны признают меры по предотвращению коррупции, предусмотренные дополнительными антикоррупционными условиями настоящего договора, и обеспечивают сотрудничество в части соблюдения этих мер. 9.3. Каждая сторона гарантирует, что при заключении договора ни ею непосредственно, ни её исполнительными органами, должностными лицами и сотрудниками не передавались денежные средства или материальные ценности, а также не допускалось получение неофициальных денежных средств или иных материальных ценностей в обмен на заключение договора; такие предложения не делались и не обещались. Также гарантируется, что не были получены никакие материальные или иные преимущества, льготы (и не создавалось впечатление о возможном совершении подобных действий в будущем). Стороны принимают разумные меры, чтобы лица (партнёры), привлечённые ими в рамках исполнения договора, не совершали указанные выше действия.
10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА БОШҚА ШАРТЛАР	10. ПОРЯДОК РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ И ДРУГИЕ УСЛОВИЯ

10.1. Томонларнинг почта манзиллари, мулкчилик шакли ва реквизитлари ўзгарган тақдирда бири бирларини ушбу ўзгартиришлар қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида таъсис ҳужжатлари ва бошқа расмий маълумотларни тақдим қилган ҳолда огоҳлантириш мажбуриятини оладилар. Акс ҳолда эски реквизитлар бўйича пул маблағларни ўтказиб юборган ёки хабарномалар юборган томон Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади. 10.2. Томонлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар. Агар томонлар келишмовчилик ванизоларни тинч йўл билан ҳал этишга эришолмаган тақдирда, мазкур келишмовчилик ва низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал этилади. 10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек ва рус тилларида тузилиб, томонларда бир нусхадан сақланади ва ўзбек тилидаги қисми устунликга эга.	10.1. Стороны обязуются письменно уведомлять друг друга об изменении своих почтовых адресов, формы собственности и реквизитов в течение 10-и календарных дней с момента внесения этих изменений в учредительные или иные официальные документы. В противном случае Сторона, осуществившая перевод средств или направившая сообщение по прежним реквизитам, считается надлежаще исполнившей свои обязательства. 10.2. Стороны урегулируют разногласия и спорные вопросы, возникающие в связи с исполнением Настоящего договора путем переговоров. В случае невозможности взаимной договоренности, данные споры и разногласия подлежат рассмотрению в Межрайонном экономическом суде г.Ташкента в порядке установленным законодательством Республики Узбекистан. 10.3. Экземпляры договора имеют одинаковую юридическую силу, составлены в двух экземплярах на узбекском и русском языках, по одному экземпляру хранения сторон, и преимущественную силу имеет часть на узбекском языке.	
11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ	11. ЮРИДИЧЕСКИЕ АДРЕСА И РЕКВИЗИТЫ СТОРОН	
<table><tr><td> «БАНК» «Hamkorbank» АТБ Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 85 Ҳисобварақ: 206_____ МФО 00083, СТИР 200242936, ОКОНХ 96120 Бошқарув Раиси _____ </td><td> «ДЕПОЗИТОР» «_____» _____ Манзил: _____ Ҳисобварақ:_____ МФО _____, СТИР _____ _____ _____ </td></tr></table>	«БАНК» «Hamkorbank» АТБ Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 85 Ҳисобварақ: 206_____ МФО 00083, СТИР 200242936, ОКОНХ 96120 Бошқарув Раиси _____	«ДЕПОЗИТОР» «_____» _____ Манзил: _____ Ҳисобварақ:_____ МФО _____, СТИР _____ _____ _____
«БАНК» «Hamkorbank» АТБ Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 85 Ҳисобварақ: 206_____ МФО 00083, СТИР 200242936, ОКОНХ 96120 Бошқарув Раиси _____	«ДЕПОЗИТОР» «_____» _____ Манзил: _____ Ҳисобварақ:_____ МФО _____, СТИР _____ _____ _____	